

**ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ШАКЛЛАНИШИ ШАРОИТИДА
МИНТАҚА САНОАТИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ТАШКИЛИЙ-
ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИ
(Тошкент вилояти мисолида)**

Нилуфар Шеркуловна БАТИРОВА
Иқтисодиёт фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори
катта ўқитувчи
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Тошкент, Ўзбекистон
почта: n.batirova@iiu.uz
ORCID: 0000-0001-7542-0825

Аннотация

Мақолада инновацион иқтисодиёт шаклланиши шароитида минтақа саноатини ривожлантиришнинг ташкилий иқтисодий механизмларини ривожлантириш йўналишлари ёритилган. Шунингдек, минтақа саноатини ривожлантириш модели босқичларга ажратилган ҳолда таҳлил қилинган. Инновацион фаолиятнинг ҳудудий бошқарув органлари томонидан қўллаб-қувватланиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган. Хулосада минтақа саноатни юқори технологик саноат тармоқларини ривожлантириш бўйича тадбирлар мажмуи берилган

Таянч сўзлар: минтақа, саноат, ташкилий, иқтисодий, механизм, алгоритм, модел, ислохот, мамлакат, иш ўринлари

**ОРГАНИЗАЦИОННО-ЭКОНОМИЧЕСКИЙ МЕХАНИЗМ
ПРОМЫШЛЕННОГО РАЗВИТИЯ РЕГИОНА В УСЛОВИЯХ
ФОРМИРОВАНИЯ ИННОВАЦИОННОЙ ЭКОНОМИКИ
(на примере Ташкентской области)**

Нилуфар Шеркуловна БАТИРОВА
Доктор философии (PhD) по экономическим наукам
Старший преподаватель
Международная исламская академия Узбекистана
Ташкент, Узбекистан
e-mail: n.batirova@iiu.uz
ORCID: 0000-0001-7542-0825

Аннотация

В статье описаны направления развития организационно-экономических механизмов развития промышленности региона в условиях формирования инновационной экономики. Проведен поэтапный анализ модели регионального промышленного развития. Разработаны меры по поддержке инновационной деятельности органами местного управления. В заключении приводится комплекс мер по развитию высокотехнологичных производств в регионе.

Ключевые слова: регион, отрасль, организационный, экономический, механизм, алгоритм, модель, реформа, страна, рабочие места.

Сўнги йилларда амалга оширилаётган барча ислохотлар мамлакат ва унинг ҳудудларида ички бозорни зарур саноат товарлари ва хизматлар билан тўлдирувчи, янги иш ўринлари яратувчи ва ташқи бозорлар учун рақобатбардош саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи рақобат муҳитини шакллантириш ва ривожлантириш муаммоларини ҳал этиш билан бевосита боғлиқ.

Вилоятда охириги ўн йилликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги “2011-2015 йилларда саноатни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги 1442-сонли, 2011 йил 4 октябрдаги “Янги турдаги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1623-сонли, 2011 йил 31 октябрда қабул қилинган “Республиканинг озиқ-овқат саноатини бошқаришни янада такомиллаштириш ва 2012-2015 йилларда ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 1633-сонли, 2011 йил 27 декабрдаги “2012 йилги инвестиция дастури тўғрисида”ги 1668-сонли қарорлари қабул қилиниши саноатни ривожлантиришга яна бир туртки бўлди.

Саноат ишлаб чиқариши жараёнини жадаллаштириш мақсадида қабул қилинган барча қонун ва қарорлар тайёр саноат маҳсулотларининг бирламчи ва қайта ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш имконини берди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июндаги “Тошкент вилоятида ишлаб чиқариш-саноат тармоқларида муҳандис-техник ходимларни тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 8 августдаги “Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2017 йил 10 августдаги “Тошкент вилоятда кичик саноат зоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлари вилоятда 17 та кичик саноат зонаси ташкил этилишига асос бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони қабул қилиниши республикада бир қатор имтиёзлар мажмуи юзага келиши натижасида инновацион ривожланиш жонланишига хизмат қилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасини 2035 йилгача ривожлантириш концепцияси қабул қилиниши иқтисодиётнинг барча тармоқларида инновацион ривожланишга тurtки бўлди.

Амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб этиб, ишлаб чиқаришнинг юқори технологияларга асосланган мураккаб турларини йўлга қўйишга қаратилган. Вилоятда саноатни ривожлантиришнинг асосий тurtкиларидан яна бири, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ҳисобланади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 сентябрдаги 802-сонли “2019–2022 йилларда Тошкент вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ва яна бир қанча қарорлар қабул қилиниши натижасида саноат ишлаб чиқаришини янада ривожлантиришга эришилди.

Мазкур стратегияда 5 йилда саноат ишлаб чиқариши ҳажмини 1,5 баробар ошириш, ЯИМдаги улушини 36%га етказиш, қайта ишлаш тармоғининг саноатдаги улушини 85%га ошириш сингари мақсадлар белгиланган эди. Мустақиллик йилларида вилоят бўйича 130 дан ортиқ қарор ва фармонлар қабул қилинди. Вилоятда эса 2020 йилда саноат ишлаб чиқариши ҳажми 3,8 %га ошди, қайта ишлаш саноати 86,7 %ни, ЯҲМдаги улуши 42,0 %ни ташкил этди [15]. Баъзи қарорларда фақатгина фармацевтика соҳасида юқори технологияли саноат тармоғини ривожлантиришга эътибор қаратилган.

Юқоридаги қарорлар асосида минтақада саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириш учун керак бўладиган хом ашёни

импорт қилишда импорт божларидан озод қилиш, маблағларни модернизация ва техника билан қайта жиҳозлашга сарфлаш, экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун қисқа муддатли кредитлар ажратиш натижасида саноат тармоқларида ишлаб чиқариш янада жадаллаштирилди. Барча тармоқларда бўлганидек саноатда ҳам инновацион ривожланишга алоҳида урғу берилди. Бу даврда саноат тармоқлари ривожланишига таъсир кўрсатувчи муҳим қонун ва қарорлар қабул қилинди. Бу эса вилоятда саноат соҳасини ишлаб чиқариш суръатлари жадал ошаётган соҳалардан бирига айлантирди [1] .

Ҳозирги кунда саноат тармоқларини ривожлантиришнинг турли жиҳатларига жавоб берувчи институтларнинг кенг қамровли тизими мавжуд. Бу эса баъзан функциялар такрорланишига олиб келади ва улар фаолиятини мувофиқлаштиришни қийинлаштиради. Бу эса баъзида тармоқни ривожлантиришда жиддий тўсиқлар юзага келишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Минтақада инновацияларни рағбатлантириш ва технологик трансфер марказлари, венчур фондлари, саноатни ривожлантириш марказлари сингари инновацион тузилмаларни шакллантириш орқали саноат мажмуасининг янги ташкилий-иқтисодий механизмини ишлаб чиқиш зарурати тадқиқотнинг асосий вазифаларидан биридир (1-жадвал).

1-жадвал

Минтақа саноат мажмуаси инновацион шаклланиши ва ривожланишининг ташкилий-иқтисодий механизми

Иқтисодий механизм		Ташкилий механизм	
Механизм	Тадбирлар	Механизм	Тадбирлар
Рағбатлантириш жараёни	Хусусий мулкчилик шаклларига имтиёзлар ажратиш, инновацион корхоналарга турли имтиёзлар ажратиш	Ахборот таъминоти	Технологик трансфер марказларининг ҳудудий тармоғини яратиш, инновация бўйича илмий техник ахборотлар банкингини ташкил этиш, янгиликларни ёйишнинг самарали механизми, товар, технология ва интеллектуал мулк бозорлари ҳолатини тадқиқ этишнинг ахборот ресурслари, инновация ярмаркалари, форум ва танловлари

Асосий фондларни янгилаш ва қайта шакллантириш	Амортизация фондлари шаклланиши, асосий воситаларнинг маънавий эскирганларини сотишдан тушган маблағни капиталлаштириш	Минтақа саноат мажмуасини инновацион баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш	Инновацион ривожланишни баҳоловчи восита ва ёндашувлар, минтақа саноат мажмуасини омилли ва тузилмавий таҳлил қилиш ва рейтингини аниқлаш бўйича ёндашувларни ишлаб чиқиш
Инновацион ривожланишни ҳудудий бошқарув органлари томонидан қўллаб-қувватлаш	ИТТКИни молиявий қўллаб-қувватлаш, давлат буюртмаларини шакллантириш, давлат кафолати, устувор лойиҳаларга субсидиялар ажратиш, инновацион ваучерларни қўллаш	Турли даражадаги инновацион фондларни яратиш	Бюджет маблағлари ҳисобига турли фондларни яратиш, хорижий инвестициялар, саноат корхоналари, аҳоли ва бошқа шахсларнинг маблағлари, венчур фондларини ташкил этиш, саноатни ривожлантириш жамғармаси
Инновацион ривожланишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш	Корхоналар учун ИТТКИ солиққа тортишнинг оқилона тизими, имтиёзли божхона божларини татбиқ этилиши	Инновацион ривожланишнинг институционал механизмлари	Саноат ишлаб чиқариш субъектлари ва давлат ўртасида самарали алоқани йўлга қўйилиши
Инвестицияларни жалб этиш ва капитални жамғариш	Инновацион-инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш, фойдани реинвестициялаш, даромадни капиталлаштиришда имтиёзларни қўллаш	Инновацион фаолиятнинг ташкилий шакллари	Инновацияни тезда амалга ошириш бўйича ташкилий шакллардан бирини танлаш: бизнес инкубаторлар, технопарклар, технополислар, кластерлар, аутсорсинглар, форсайт марказлари, корпоратив университетлар, кластерларни ривожлантириш марказлари
Инновацияларни иқтисодий рағбатлантириш	Нархни белгилаш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш, рискни суғурталаш	Инновацион дастур ва лойиҳалар	Мақсадли илмий-техник лойиҳаларни амалга ошириш

Амалдаги минтақада саноат тармоғида инновацион сиёсатнинг самараси юқори эмаслигининг асосий сабабларидан бири соҳада институционал базанинг заифлигидир. Биз таклиф этаётган инновацион фаолиятни ҳудудий бошқарув органлари томонидан қўллаб-қувватлашнинг тизимли схемаси минтақа инновацион ва технологиялар бозорида ўз ўрнини эгаллашига хизмат қилади (1-расм).


Инновацион фаолиятни ҳудудий бошқарув органлари томонидан қўллаб-қувватлаш

Инновацион
ривожланиш
стратегиясини

Қонунчилик
базасини
ривожлантириш

Молиявий
хавфсизлик

Солиқ
имтиёзлари



1-расм. Инновацион фаолиятнинг ҳудудий бошқарув органлари томонидан қўллаб-қувватланиши

1-расмдаги жараён билан бир қаторда технологик модернизация учун илмий билимлардан фойдаланиш, илм-фан тушунчасининг аҳамиятини ошириш лозим.

Унинг потенциал истеъмолчилари томонидан юқори технологияли маҳсулотларга талаб ва тўлов қобилияти пастлиги, асбоб-ускуналарни импорт қилишга қизиқиш, шунингдек, ишлаб чиқаришга жорий этиш ёки ишлаб чиқариш даражаси тўлиқ эмаслиги, ўз ишлаб чиқарувчилари томонидан инновацион маҳсулотларни бозорда биргаликда илгари суриш бўйича етарлича фаол ишланмаганлиги билан изоҳланади.

2019 йил 22 июлда “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги қонун, 2020 йил 2 мартда “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури қабул қилиниши саноат ишлаб чиқаришини оширишда илм-фан ва таълим тизимини ривожлантиришни таъминлашга катта ҳисса қўшди.

Ҳозирги кунда минтақа саноатини ривожлантириш имконини берувчи бир қанча сценарийлар мавжуд. Биз улардан бирини танлашга мажбурмиз. Биринчиси инерцион, яъни саноатни табиий хом ашё ва энергия манбаи асосида ривожлантириш. Бу сценарий асосида ривожлансак, у аста-секин ўз ресурсини тугатиши мумкин. Иккинчи сценарий инновацион технологик

ютуқ асосида саноат тармоғини ривожлантиришдан иборат. Бунинг учун ўрта муддатли истикболда инновацион капитал қўйилмалар ҳажмини сезиларли даражада (ҳажм бўйича) ошириш керак. Саноат характеридаги муҳандислик ишлари нолдан яратилиши керак. Саноатнинг моддий-техник базасини модернизациялаш учун янги технологик база ва янги тузилмада асосий воситаларни техник қайта жиҳозлаш бўйича давлат дастурини ишлаб чиқиш керак.

Аввало, минтақада инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлаш лозим. Бунинг учун саноат корхоналарини илмий тадқиқот ва ишланмаларга сарфланувчи харажатларини ЯХМнинг камида 3,0 % (1,5 % – бюджет маблағлари, 1,5 % – бошқа жамғарма маблағлари)га ошириш учун шароит яратиши керак.

Шу муносабат билан таъкидлаш жоизки, илмий тадқиқот ишланмаларини молиялаштириш ҳажми кўпайиши, умуман, иш босқичлари ва турлари бўйича мутаносиб равишда инновацион жараёнларни молиялаштириш кенг кўламда ривожланиши мавжуд бўлгандагина ижобий ижтимоий-иқтисодий самара беради.

Инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида илм-фан ва техника ютуқларидан самарали фойдаланган ҳолда минтақа саноатини ривожлантиришда замонавий инновацион технологияларни татбиқ этишнинг тўғри усулини жорий этиш ҳам муҳим шартлардан бири бўлиб қолмоқда [3].

Шунингдек, бу йўналишда устувор лойиҳаларни амалга оширишда давлатнинг қўллаб-қувватлаши муҳим омиллардан бири бўлиб, ИТТКИга давлат буюртмаларини шакллантириш, лойиҳалар учун вилоят даражасида маълумотлар базасини шакллантириш, интеллектуал фаолият натижалари ва уларга тенглаштирилган воситалар ҳимоясини таъминлаш, инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш бўйича вилоят ҳокимлиги фонди, тадқиқотларни ривожлантириш бўйича бюджетдан ташқари жамғарма фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқ.

Шу муносабат билан, вилоятнинг туман ва шаҳарларидаги саноат

корхоналарига ноёб ва илғор технологияларни жалб этиш мақсадида технологиялар трансфери марказларини яратиш, қўллаб-қувватлаш ва уларни минтақавий тармоққа интеграциялаш муҳим ҳисобланади. Технологиялар трансферининг минтақавий тармоғи мамлакат даражасидаги тармоққа уланиши лозим. Тармоқдаги ҳамкорликда ишлаш корхоналарга рақобатбардошликни ошириш, янги технологиялардан фойдаланган юқори технологик лойиҳаларни ишга тушириш учун янги ҳамкорларни топиш имконини беради. Биз таклиф этаётган марказ минтақадаги саноат корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича барча вазифаларни бажаради. Бу марказнинг бош офиси вилоят маркази Нурафшон шаҳрида жойлашиши мақсадга мувофиқ (2-жадвал). Марказ фаолияти вилоятдаги барча туман ва шаҳарларни камраб олади.

2-жадвал

Технологик трансфер маркази вазифалари

№	Марказнинг вазифалар	Вазифа нуқтаи назаридан амалга ошириладиган ишлар
1	Илмий техник	Инновацион лойиҳаларни бошқариш, интеллектуал мулкларни танлаб олиб, экспертизадан ўтказиш
2	Маркетинг	Бозор таҳлили, маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш
3	Ҳуқуқий	Интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш
4	Молиявий	Бизнес режаларни ишлаб чиқиш, инвесторларни излаб топиш, бюджетни бошқариш
5	Маъмурий	Патентлаштириш, лицензиялаш ва сертификациялаш жараёнларини амалга ошириш
6	Маслаҳат	Илмий техник экспертиза ва инновацион ишланмаларни ишлаб чиқиш йўналишларида таълим бериш ва маслаҳат хизматларини амалга ошириш

Аммо юқоридаги мақсадларга эришишда, фикримизча, бир қанча тўсиқлар мавжуд, яъни вилоят доирасида инновацион жараёнларни бошқариш тизими мукамал эмас, технологик трансфер марказларини ташкил этиш учун молиявий маблағлар етарли эмаслиги, инновацион фаолият фаоллашишини рағбатлантириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий база мавжуд эмаслигидир.

Тошкент вилояти саноат мажмуаси келгусида ривожланиши учун

кадрлар салоҳиятини ошириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Меҳнат ресурсларининг рақобатбардошлигини ошириш учун сифатли кадрлар заҳирасини яратиш лозим. Бу йўналишда муҳим жараён корпоратив университетларни ташкил этиш, корхоналарда сифатли таълим тизимини шакллантириш ҳисобланади [12].

Шу сабабли, фикримизча, вилоятдаги саноат корхоналарини таълим муассасалари билан келишган ҳолда корпоратив университетларни ташкил этиш лозим. Бундай университетлар ходимларнинг техник соҳада изланишларини оширган ҳолда таълим муассасалари ва саноат корхоналарини интеграциялашувига олиб келади.

Минтақадаги саноат мажмуасининг кадрлар салоҳиятини ошириш доирасида аҳолининг тадбиркорлик фаоллигини ҳам ошириш мақсадга мувофиқ бўлиб, минтақа аҳолисининг тадбиркорлик қобилиятини оширишни рағбатлантириш учун тадбиркорнинг ижобий қиёфаси (имиж)ни шакллантириш зарур. Шу мақсадда, вилоятда жойлашган олий ўқув юртлари билан мазкур соҳада бевосита ҳамкорликни амалга ошириб, тадбиркорликни ижтимоий онгда барқарор даромад келтирувчи бандлик шакли сифатида қабул қилиш ва тадбиркорлик субъектларининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи фаолиятнинг аниқ натижаларини кўрсатиш зарур. Шунингдек, тадбиркор бўлишни хоҳловчи аҳоли ва тадбиркорлар учун махсус сайтлар орқали он-лайн ахборот маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш зарур.

Минтақадаги саноат корхоналарини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг яна бир воситаси сифатида солиқ сиёсати воситаларидан фойдаланиш ҳисобланади. Қонун ҳужжатларида саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун солиқ ва божхона имтиёзларини ажратиш, солиқ таътилларини узайтириш бўйича чора-тадбирлар кўзда тутилиши лозим. Солиқ сиёсати воситаларидан ташқари кредит сиёсати воситаларидан ҳам фойдаланиш муҳим ҳисобланади [4].

Ишлаб чиқариш ва инновацион инфратузилмалар томонидан тақдим этилаётган хизматлар бозори таҳлилига кўра, минтақада ҳудудий ишлаб

чиқариш гуруҳларини ривожлантиришга қаратилган ташкилотлар (кластерларни ривожлантириш марказлари) ташкил этиш ҳамда корхоналарнинг самарали фаолияти учун шарт-шароитлар яратиш лозим.

Фикримизча, кластерларни ривожлантириш марказлари ахборот-таҳлилий маълумотларни ишлаб чиқиш, лойиҳаларини амалга ошириш, юқори технологиялардан фойдаланишни таъминлаш, янги маҳсулот ва хизматларни тақдим этиш, маҳсулот учун сертификатлар олишни таъминлаш, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш, саноат паркларини ва қулай шароитни яратиш, юқори технологик иш ўринларини ташкил этиш, солиқ имтиёзларини кенгайтириш, юқори технологик ускуналарни жамоавий олиш марказларини ташкил этиш зарур.

Бундай марказлар ишлаб чиқариш инновацион инфратузилма элементи бўлиб, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, юқори технологик саноат маҳсулотлари экспортини ошириш, натижада, минтақа рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади. Минтақа саноатини инновацион ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми инновацион фаолиятни фаоллаштириш жараёнига асосланади. Саноат корхоналаридаги инновацион фаолият жадаллашувига қуйидаги компонентлар: бозор, ресурс, молиявий, мотивацион, ишлаб чиқариш-инновацион инфратузилмани шакллантириш ҳисобига эришилади (3-жадвал).

3-жадвал

Саноат мажмуасида инновацион фаолият компонентлари [3]

Минтақа саноат мажмуасини инновацион фаолияти таркиби				
Бозор блоки	Ресурс блоки	Молиявий блок	Инновацион блоки	Мотивацион блок
Инновацияни сотувчиси ва харидори ўртасидаги алоқа	Интеллектуал ресурслар	Молиялаш манбаси	Инновацион технологик марказлар	Инновация бозоридаги ахборот таҳлили ҳаракатлари
Янгиликка бўлган талаб ва таклиф	Техник ресурслар	Молиялашнинг ташкилий шакли	Ахборот тизими объектлари	Иқтисодиётнинг реал тармоғига инвестиция бўйича ҳаракатлар
Шартнома нархларини баҳолаш	Кадр ресурслари	Молиявий методлар	Ишлаб чиқариш кластерлари	Ҳаракатлантирувчи ҳатти ҳаракат
Инвесторлар имконияти	Инновацион фаолият	Молиявий рычаг ва рағбатлар	ИТТКИ бўлинмалари	Иш самарасини ошириш ҳисобига

	учун бошқа ресурслар			суғурта бозоридаги хатти ҳаракат
--	-------------------------	--	--	-------------------------------------

Юқоридаги тадбирлар билан бир қаторда, саноат мажмуасини молиялаштирувчи институтларни ривожлантириш ҳам муҳим таркибий қисм ҳисобланади. Вилоятдаги саноат корхоналарида модернизацияни сифатли амалга ошириш мақсадида имтиёзли фоиз асосида (5%) мақсадли қарз берувчи ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш лозим. Қўллаб-қувватлаш доирасида амалга оширилувчи асосий йўналишлар қуйидагилар ҳисобланади.

1. “Бошланғич” дастур. Кичик корхоналарга қайтарилмаслик шarti билан субсидиялар ажратиш.

2. “Ривожлантириш” дастури. Электр техникаси, кимё, озиқ-овқат, енгил саноат тармоғи соҳаларида кичик корхоналарни молиялаштириш.

3. “Илмий” дастур. ИТТКИни амалга ошириш ва бажариш бўйича йирик корхоналарни молиялаштириш.

4. “Тижорат” дастури. Инновацион лойиҳаларни амалга оширишда кичик корхоналарга молиявий кўмак бериш.

Шунингдек, биз саноатни ривожлантириш жамғармасини ташкил этишни тавсия этамиз. Саноатни ривожлантириш жамғармаси нодавлат, нотижорат ташкилот сифатида шаклланиб, унинг асосий мақсади ишлаб чиқариш технологик лойиҳаларини молиялаштириш учун қарз олиш имкониятини ошириш, модернизацияни рағбатлантириш ва янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва саноатнинг етакчи тармоқлари бўйича илмий, техник мутахассисларни тайёрлашга ёрдам кўрсатишдан иборат [9].

Қуйидагилар жамғарманинг йўналиш ва вазифалари этиб белгиланиши керак:

1. Ишлаб чиқариш соҳасидаги амалий илмий-техник ишланмаларни амалга оширишда кўмаклашиш.

2. Ишлаб чиқилган янги ғоялар асосида оммавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш.

3. Илмий-техник кадрларни тайёрлаш.

Бизнинг таклифимизга кўра, жамғарманинг молиявий манбаини қуйидагилар ташкил этиши мумкин:

1. Вилоят маҳаллий бюджети томонидан молиялаштириш (бюджетнинг 1 %гача)

2. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги дастурлари доирасида субсидиялар ажратиш.

Жамғарманинг операцион фаолияти билан боғлиқ харажатлар вилоят бюджети томонидан қопланади. Агар ушбу лойиҳа амалга ошса, ундан юқори иқтисодий самарага эришилади. Жамғарма хизматларидан фойдаланувчи корхоналар сони ошиб боради. Модернизацияланган юқори самарали ишлаб чиқаришга эга иш ўринлари пайдо бўлади. Ишлаб чиқарилган инновацион ишлаб чиқариш технологиялари туфайли хорижий аналоглар ўрнини босувчи инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Натижада вилоятнинг хом ашёга ихтисослашуви пасаяди. Жамғарма минтақа саноат корхоналарини инновацион ривожланишининг асосий қўллаб қувватловчи институтларидан бири бўлиши керак.

Юртимизда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, рақобатбардош саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасида бир қатор ишлар олиб борилмоқда. 2019-2020 йилларда Тошкент вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастурида ҳам бунга алоҳида эътибор қаратилган. Фақат дастурда цемент ишлаб чиқариш, пахта кластерларини яратишга бирламчи, юқори технологик саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришга иккиламчи даражада урғу берилган.

Тошкент вилояти ва унинг туман, шаҳарлари саноат мажмуасини ўрганиш таҳлилига кўра, саноат мажмуасининг ҳозирги ривожланиши экстенсив характерга эга бўлишига қарамай, мавжуд салоҳият юқори технологик маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконини беради. Бу эса тармоқдаги рақобатбардошликни оширади ва минтақа саноатини

ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш заруратини белгилайди.

Ҳозирги кунда минтақа саноатини инновацион ривожланиш йўлига ўтиши ҳудуднинг тараққий этишига, саноат корхоналарининг рақобатбардошлиги ошишига, сифатли ўсишнинг таъминланишига олиб келади. Фикримизча, бунда саноатни инновацион ривожлантиришнинг 3 та асосий босқичига ажратиш зарур (4-жадвал).

4-жадвал

Минтақа саноатини инновацион ривожланиш босқичлари

Бошланғич босқич	Оралик босқич	Якуний босқич
Иқтисодиёт ривожланиши, хусусан, саноат ривожланишининг ҳуқуқий таъминоти	Саноатда банд аҳолининг миқдори ва тузилмаси, саноатда илмий тадқиқот билан шуғулланувчиларни таркиби	Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми
Хўжалик механизми сифати	Саноатда банд аҳолини иш ҳақи, саноатда банд муҳандисларни иш ҳақи	Жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида инновацион маҳсулотлар ҳажми
Саноатни ривожлантириш харажатлар тузилмаси ва ҳажми	Саноат корхоналарини асосий фондлари ва номоддий активларини қиймати ва тузилмаси	Жаҳон бозорида мамлакат саноат маҳсулотлари ҳиссаси
Саноатни ривожланишини рағбатлантирувчи солиқ ва кредитлар	Давлат стратегик бошқарув тизимини сифати, саноатни ривожланишини тартибга солиш ва рағбатлантириш	Саноатда меҳнат унумдорлиги

Ушбу босқичлар бир қатор устувор вазифаларни ҳал қилишни кўзда тутади. Минтақанинг ихтисослашувига мос равишда юқори технологик саноат инфратузилмалари (кластерлар) ташкил этилади.

Шунингдек, 5-жадвалда муаллиф томонидан ишлаб чиқилган минтақа саноатини ривожлантириш модели тасвирлаган. Бунда минтақа саноати ривожланишининг инновацион тараққиёт йўлига ўтиш кетма-кетлиги акс эттирилган. Бу алгоритмдан фойдаланишда Тошкент вилояти саноати корхоналари тузилмаси ҳамда ривожланишининг алоҳида жиҳатларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Бундай мақсадга эришиш минтақа саноатини босқичма-босқич ривожлантиришни талаб этади.

Минтақа саноатини ривожлантириш модели

Муаммонинг қўйилиши ва минтақа саноатини ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш заруратини асослаш		
1. Ахборот базаси ва бошланғич ҳолат таҳлили		
Маълумотларни йиғиш ва минтақа саноатини мавжуд ҳолати таҳлили	Минтақада саноат ишлаб чиқариш ҳолатини ва ривожланиш тенденцияларни таҳлил қилиш	Тармоқдаги муаммоларни аниқлаш ва ривожланиш прогнозларини тузиш
Минтақа саноатини ривожлантиришнинг устувор вазифаларини белгилаш		
2. Минтақа саноатини ривожланиш устунликларини аниқлаш		
SWOT таҳлилини амалга ошириш	Мақсадларни аниқлаш	Устувор йўналишларни белгилаш
Минтақа саноатини ривожлантиришнинг асосий принциплари, механизмлари ва воситаларини ишлаб чиқиш		
3. Минтақа саноат мажмуасини ривожлантириш йўналишларини ишлаб чиқиш		
Минтақа саноат корхоналарида илмталаб ишлаб чиқаришни ривожлантириш	Минтақа саноат мажмуасининг кадр ресурслари ривожланиши ва инвестиция жалб этиш	Ишлаб чиқариш кластерларини ташкил этиш учун шароитларни шакллантириш.
Минтақа саноат мажмуасини ривожлантириш механизминини ишлаб чиқиш		
4. Минтақа саноатини кластерлаш фаолиятини миқдорий ва сифат жиҳатдан баҳолаш		
Кластер коэффициентини миқдор ва сифат жиҳатдан баҳолаш	Ишлаб чиқариш кластерлариважланиши-нинг устуворйўналишлари-ни ажратиб олиш	Кластерларнинг асосий иштирокчилари, мақсад ва вазифаларини ишлаб чиқиш
Технологик модернизациялаш босқичлари, мақсад ва вазифаларини ишлаб чиқиш	Юқори ва янги саноат тармоқларини шакллантириш бўйича тармоқлараро дастурларни шакллантириш	Юқори технологияли саноат тармоғида инновацион фаол корхоналарни шакллантириш
5. Минтақа саноати ривожланишинини инновацион тараққиёт йўлига ўтказиш		
Инновацион тузилмалар ва инновацион хизматларни ишлаб чиқарувчи субъектларни қўпайтириш, инновацион жараён иштирокчилари фаолиятини фаоллаштириш		
Вилоятнинг саноат тармоғида ривожланишни таъминлашга йўналтирилган инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва қўллаб-қувватлаш ва бу йўналишда турли хил объектларни ўзаро таъсир қилиш имконини яратиб берувчи муҳитни яратиш		

Минтақанинг саноат мажмуасини ривожлантиришда кўпгина ҳудудларда ишлаб чиқилган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияларини амалга ошириш, бу йўналишда иштирокчиларнинг самарали фаолиятини таъминлаш муҳим ҳисобланади.

Бусиз минтақа саноатини инновацион ривожлантириш жараёни фақатгина расмий жараён бўлиб қолиши мумкин. Технологик модернизациялаш стратегиясининг асосий қисми юқори ва янги саноат

тармоқларини шакллантириш бўйича тармоқлараро дастурларни шакллантириш, базавий тармоқларни ривожлантиришга йўналтирилган бир қатор муҳим дастурларни ўз ичига олиши лозим.

Юқоридаги вазифаларга эришиш учун ички ва ўзаро ҳудудлараро ҳамкорликни ривожлантириш зарур. Иккинчи босқич минтақа саноат мажмуаси ва ривожланиш тенденциялари таҳлили ҳамда юқори технологик саноат маҳсулотларини шакллантиришга қаратилади (6-жадвал).

6-жадвал

Минтақада саноат мажмуасини ривожлантириш йўналишлари

1-вазифа	2-вазифа	3-вазифа	4-вазифа	5-вазифа
Минтақа саноат корхоналарида илмталаб ишлаб чиқаришни ривожлантириш	Юқори салоҳиятли ходимларни шакллантириш	Инвестицион фаолликни ошириш	Инновацион инфратузилмаларни шакллантириш имкониятини ошириш	Инновацион ҳудудий саноат мажмуаларини шакллантириш ва ривожлантириш
Амалга ошириш йўналишлари				
1. Саноат маҳсулотлари таркибида илм талаб маҳсулотлар ҳиссасини ошириш. 2. Юқори технологик саноат тармоғини ривожлантириш имкониятини ошириш. 3. Юқори технологик саноат тармоқлари учун давлат томонидан турли йўналишларда имтиёзларни тадбиқ этиш.	1. Ходимларнинг салоҳиятини таҳлил этиш. 2. Корпоратив университетларни ташкиллаштириш. 3. Вилоят даражасида ходимлар сифат ва малакасини ошириш бўйича малака оширишнинг инновацион тизимини жорий этиш	1. Минтақада инвестицион ҳолатни ўрганиш ва баҳолаш. 2. Вилоятдаги инвестицияларни ҳудудлар ўртасида тақсимот таҳлили харитасини ишлаб чиқиш. 3. Инновацион саноат корхоналарини инвестицияларни жалб этиш механизмини ривожлантириш	1. Корхоналарни технологик модернизациялаш имконини ошириш. 2. Юқори технологик саноат тармоқларини давлат даражасида қўллаб қувватлаш. 3. Мақсадли молиялаштиришни амалга ошириш. 4. Инновацион инфратузилмаларни сифатли шакллантириш имкониятини ошириш	1. Кластерларни ривожлантириш марказини ташкил этиш 2. Турли хил қўллаб қувватлаш фондларини яратиш. 3. Инновацион паркларни ташкил этиш. 4. Юқори технологик асбоб ускуналарни самарали алмашинувини ҳудудий нуқтаи назардан йўлга қўйиш.

Ушбу таклифлар саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш, вилоятда инновацион саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва юқори технологик саноат тармоқларини ривожлантириш ва илмий техник ривожланишни таъминлаш имконини беради.

Бу эса минтақа зиммасига бир неча вазифаларни амалга ошириш мажбуриятини юклайди. Минтақада саноат мажмуасини ривожлантиришнинг аниқ белгиланган йўналишлари фақатгина саноатга ихтисослашган шаҳарларда эмас, балки қишлоқ хўжалигига ихтисослашган туманларда, жумладан, Янгийўл, Ангрен, Бекобод, Бўка, Оҳангарон, Оққўрғон, Паркент, Пискент, Чиноз, Қуйичирчиқ, Қибрай, Юқоричирчиқ, Янгийўл туманларида амалга ошиши лозим.

Саноат тармоқларига замонавий илм-фан ютуқлари жорий этишни назарда тутган ҳолда янги фан сиғимли ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун қуйидагиларни амалга оширишни тақлиф этамиз:

инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш зарур. Бунда вилоятни 2020-2022 йилларда ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги сўнгги қарорларда саноат ишлаб чиқаришида муҳим ҳудудлар (Олмалиқ ва Ангрен, Чирчиқ шаҳарлари, Оҳангарон, Зангиота туманлари)ни ривожлантиришни кўзда тутмоқда. Аммо бу вилоятдаги туман ва шаҳарлар ўртасида мавжуд тафовутни янада ошириши мумкин;

самарали ишловчи, барча омилларни ҳисобга олувчи, минтақанинг инновацион маҳсулотларига талабни шакллантирувчи маркетинг тузилмасини ташкил этиш;

хусусий инвестицияларнинг саноатдаги юқори технологик тармоқларга кириб келишига тўсқинлик қилувчи ҳозирда мавжуд тўсиқлар, уларни бартараф этиш йўллари ва чораларини чуқур таҳлил қилиш;

модернизация ишларини амалга ошираётган иқтисодиётдаги инновацион жараёнларнинг асосий қатнашчиси сифатида саноат корхоналари, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ўртасидаги тармоқлараро алоқаларни мустаҳкамлаш, саноатга оид таълим тизимидаги ҳамкорликни ривожлантириш;

халқаро даражада саноатга оид технологик ҳамкорликни жадаллаштириш ва унга қўшимча равишда, билимлар ва ИТТКИ

натижаларини айирбошлашнинг янги шакллари сифатида тегишли маълумотлар базасини яратиш;

ИТТКИ ва саноат инновацияси соҳаларидаги таснифланган меҳнат ресурслари мобиллигини ошириш, иқтисодиётда банд бўлган кишиларнинг узлуксиз таълим олишларини таъминлаш, шунингдек, тегишли соҳалар ва ўқишдан кейинги келажакдаги иш ўринлари билан шартномалар тузиш бўйича олий ўқув юртларида янги ўқув жойларини яратиш ҳисобига ёшларни техника, муҳандислик соҳаларидаги мутахассисликларга қизиқтириш;

барча саноат корхоналарига “Инновация фаолияти бўйича” ҳисобот топширишни жорий этиш;

ишлаб чиқаришнинг технологик янгиланишини технология импорти ҳисобига эмас, балки маҳаллий қайта ишлаш ҳисобига амалга ошириш;

шунингдек, Ўзбекистонда бизнес-инкубатор ва технопарклар ассоциациясини ташкил этиш.

Хулоса шуки, минтақа саноатини ривожлантиришдан мақсад яппи ҳудудий маҳсулот таркибида саноатнинг ҳиссасини ошириш, бу билан аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилаш мақсадида саноатни юқори технологик саноат тармоқларини ривожлантириш бўйича тадбирлар мажмуини яратишдан иборат.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

- 1.Ахмедов Т.М. Управление территориальной организацией производительных сил и мажмуаным развитием регионов Узбекистана: иқти. Фан. Докт. Илм. Даража. олиш учун дисс. автореф. – Тошкент, 1992. – 26 б.
- 2.Баранчеев В.П., Масленникова Н.П., Мишин В.М. Управления инновациями: учебник. – Москва: Юрайт, 2015. – 711 с.
- 3.Вахабов А.В. Инсон капиталининг инвестицион самарадорлигини баҳолашнинг услубий асослари // Миллий иқтисодиёт тармоқларида олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжни баҳолаш ва прогнозлаштириш. Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: Lesson Press. 2017. – Б.5-12.
- 4.Гаибназарова З. Инновацион инвестициялаштириш самарадорлигини

оширишнинг назарий жиҳатлари: иқт.фан. номзоди диссертацияси
автореферати. – Тошкент: Техника унв., 2012. – 24 б.

5.Ерохин П.В. О категории «ликвидность» в экономической теории.
Критерии ликвидности // Вестник ИНЖЭКОНа. Серия: Экономика, 2013. –
№ 6 (65). – С. 134–137

6.Зайнутдинов Ш.Н. Инновацион салоҳиятни ошириш стратегияси. //
Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали, 2011. –
№1, сентябр. – Б.24.

7.Зинченко В.И. Региональная система мониторинга инноваций // Инновации.
2009. – № 1. – С. 27.

8.Каплан, Р. Организация, ориентированная на стратегию / Пер. с англ. /
Р.Каплан, Д. Нортон. – Москва: ЗАО ОЛИМП-Бизнес, 2003. – 416 с.

9.Кочетков С. В., Кочеткова О. В. (2016). Модель состояния инновационного
потенциала промышленных предприятий. //Общероссийский
науч.прак.журнал Инновации, 2016. №5. – С.60-63.

10.Мазилов Е.А. Развитие промышленного комплекса в контексте
модернизации экономики региона. Монография/ Е.А.Мазилов; под научным
руководством д.э.н. К.А.Гулина. – Вологда: ИСЭРТ РАН, 2015. – 168 с.

11.Назарова Р. Управление внешнеэкономической деятельностью в
Узбекистане на основе инновационного развития в условиях глобализации:
автореф докт.эконом.наук. – Тошкент: ТГЭУ, 2011. – 17 с.

12.Назаров Ш.Х. Эндогенные факторы конкурентоспособности региона и их
эконометрическое тестирование // Регион: экономика и социология, 2013. –
№4. – С. 316-329.

13.Йўлдошев Н.Қ., Мирсаидова Ш.А., Голдман Й.Д. Инновацион
менеджмент: дарслик – Тошкент: ТДИУ, 2011. – 286 б.

14.Mahmudov M.F. Features of effective useage of industrial potential in Kashkadarya
region. Научные исследования. №2 (28) (2019)

15.<http://toshvilstat.uz/index.php/uz/aloqa/2-uncategorised/4104-sanoat-ishlab-chiqarish>

